Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 2 No. 1 (2025) · “Raqamli iqtisodiyot sharoitida hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish va yuqori i... DOI: 10.5281/zenodo.24317961

проблемы финансирования инноваций и их трансферта в малый бизнес. Финансовый менеджмент, (5), 62-71. https://dis.ru/library/707/37989/

ҲУДУД СОЛИҚ ПОТЕНЦИАЛИНИ САМАРАЛИ БАҲОЛАШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ОРҚАЛИ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Мамажонов Лазизбек Азамжонович
Андижон давлат техника институти
катта ўқитувчиси
Mamajonovlazizbek1981@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақолада ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини шакллантирувчи асосий омиллар таҳлил қилинган. Солиқ тушумлари ҳажмига таъсир этувчи иқтисодий ва ижтимоий омиллар ўртасидаги боғлиқлик аниқланган, уларнинг самарадорлиги баҳоланган ҳамда солиқ салоҳиятини тўлиқ ишга солиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: солиқ салоҳияти, ҳудудий ривожланиш, иқтисодий омиллар, солиқ тушумлари, самарадорлик, регрессия таҳлили.

Рақобатбардош ва барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлашда солиқ тизимининг самарали фаолият юритиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Давлат молиясини тўғри бошқариш, хусусан, бюджет даромадларини шакллантириш жараёнида солиқлар марказий ўринни эгаллайди. Шу нуқтаи назардан, ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини тўғри баҳолаш, унинг тузилмасини чуқур таҳлил қилиш ва мазкур салоҳиятни тўлиқ рўёбга чиқариш масалалари амалиётда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Солиқ салоҳияти — бу маълум бир ҳудуднинг мавжуд иқтисодий, ижтимоий ва институционал ресурслари асосида давлат бюджетига тўлаш имконига эга бўлган солиқлар ҳажмини белгилайди. Ушбу тушунча ҳудуднинг солиқ базасини аниқлаш, бюджетни режалаштириш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда асосий мезон сифатида хизмат қилади. Бунда ҳар бир ҳудуднинг ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми, демографик хусусиятлари, тадбиркорлик фаоллиги, инфратузилмавий ривожланиши ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси каби омиллар алоҳида аҳамият касб этади.

Амалда кўпгина ҳолларда ҳудудлардаги солиқ салоҳиятини баҳолашда умумий стандартлар қўлланилади, бу эса реал имкониятларни тўлиқ акс

Published: 24.05.2025

Cite this article: Мамажонов Лазизбек Азамжонович (2025). Ҳудуд солиқ потенциалини самарали баҳолаш ва ундан фойдаланиш орқали барқарор иқтисодий ривожланишни молиявий таъминлаш масалалари. Emro Science and Education, 2(1). https://doi.org/10.5281/zenodo.24317961

© 2025 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

эттирмайди. Ҳолбуки, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос иқтисодий структураси ва ресурс потенциали мавжуд бўлиб, уларни инобатга олмаган ҳолда олиб бориладиган солиқ сиёсати кам самарали бўлиши мумкин. Шунингдек, иқтисодий фаолиятнинг нотенг тақсимланганлиги, аҳоли жойлашуви ва инфратузилманинг ривожланиш даражаси солиқ тушумларининг ҳажми ва таркибига турлича таъсир кўрсатади.

Ҳудудларнинг солиқ потенциалини баҳолашда асосий мақсад солиққа тортиш имкониятларини аниқлаш ва иқтисодий ресурсларни тўғри баҳолашдир. Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ), ишлаб чиқариш ҳажми, хизмат кўрсатиш сектори ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари каби асосий иқтисодий кўрсаткичлар ҳудудларнинг иқтисодий фаолиятини ўлчашнинг муҳим омиллари ҳисобланади.

Солиқ потенциалини баҳолаш бўйича амалга оширилган таҳлилда 14 та ҳудудлар кесимида 2012-2023 йиллар давридаги маҳаллий бюджет солиқ даромад тушумлари, ҳудудий ялпи ички маҳсулот, асосий капиталга киритилган инвестициялар, кичик бизнес субъектлар сони (деҳқон ва фермер хўжаликлардан ташқари), ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, ялпи саноат маҳсулоти, иқтисодиётда банд аҳоли сони, аҳоли жон бошига умумий даромад суммаси тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилган. Бу маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, статистика агентлигиининг расмий сайтидаги маълумотлар базасидан олинган. Регрессион таҳлил OLS усулидан фойдаланган ҳолда панел маълумотларни қуйидаги регрессион модел асосида баҳоланган:

$$y_{it} = \alpha + \beta_1 X_{it} + \beta_2 X_{it} + \beta_3 X_{it} + \beta_4 X_{it} + \varepsilon_{it} \qquad (1)$$

Бу ерда: боғлиқ ўзгарувчи сифатида y_{it}- t даврга i ҳудуд бўйича маҳаллий бюджет солиқ даромад тушумлари; α-озод хад; β-;ўзгарувчиларни ўлчов вектори; мустақил ўзгарувчилар сифатида ҳудудлар кесимида X_{it}-ҳудудий ялпи ички маҳсулот ҳажми, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми, кичик бизнес субъектлар сони (деҳқон ва фермер хўжаликлардан ташқари), ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми, ялпи саноат маҳсулоти ҳажми, иқтисодиётда банд аҳоли сони, аҳоли жон бошига умумий даромад суммаси олинган;ε_{it} -ҳисобга олинмаган бошқа омиллар ва хатолик.

Боғлиқ ўзгарувчи сифатида lnbudgetrevenue-ҳудудлар кесимидаги маҳаллий бюджет солиқ даромад тушумлари ва таъсир этувчи омиллар сифатида ҳудудлар кесимида lnregional gross domestic product product-ҳудудий ялпи ички маҳсулот,lnInvestments-асосий капиталга киритилган инвестициялар, lnSmall businesses- кичик бизнес субъектлар сони (деҳқон ва фермер хўжаликлардан

ташқари), lnGross agricultural products-ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти, lnGross industrial production-ялпи саноат маҳсулоти, lnEmployed in the economy - иқтисодиётда банд аҳоли сони ва lnTotal income per capita- аҳоли жон бошига умумий даромад суммаси яхлит ҳолда регрессион таҳлил қилиш мақсадида ўзгарувчилар ўлчов бирлиги турлича бўлганлиги сабабли уларнинг логтрансферт шаклидан фойдаланилган.

Регрессион таҳлилдаги омилларнинг тасвирий статистика

Variable	Obs	Mean	Std. Dev.	Min	Max
lnbudget revenue	168	14.18176	.7476765	12.24647	15.92187
lnregional gross domestic product product	168	9.968101	.8797783	7.984838	12.25585
lnInvestments	168	8.652727	1.064856	6.496926	11.17246
lnSmall businesses	168	9.705613	.6119294	8.64365	11.57186
lnGross agricultural products	168	9.320391	.7654037	7.502297	10.8001
lnGross industrial production	168	14.18176	.7476765	12.24647	15.92187
lnEmployed in the economy	168	9.968101	.8797783	7.984838	12.25585
lnTotal income per capita	168	8.652727	1.064856	6.496926	11.17246

Манба: Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги ҳамда статистика агентлигининг маълумотлари асосида тайёрланган

Панел маълумотлари асосида амалга оширилган регрессион таҳлил натижасида ҳудудларнинг солиқ потенциали ўсишига ҳудудий ялпи ички маҳсулот ҳажми, асосий капиталга инвестициялар ҳажми, кичик бизнес субъектлари сони, ялпи саноат маҳсулоти ҳажми, иқтисодиётда банд аҳоли сони ва аҳоли жон бошига умумий даромад суммаси ижобий таъсир кўрсатиши аниқланган. Шуни таъкидлаш керакки, ҳудуднинг солиқ потенциали даражасига ҳудудий ялпи ички маҳсулот ҳажми ва иқтисодиётда банд аҳоли сони ортишиши таъсирининг статистик аҳамияти жуда юқорилиги кўриш мумкин.

Амалга оширилган регриссон таҳлил натижалари бошқа иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган таҳлилларлан олинган натижалари билан солиштирганда хусусан, ҳудудий ялпи ички маҳсулот ҳажми, банд аҳоли сони, аҳоли даромадларини ўсиши солиқ потенциали даражасини оширишда муҳим омиллардан ҳисобланишини кўрсатиб ўтиш мумкин. Албатта, таҳлилда кўриб

чиқилган бошқа омиллар, кичик бизнес,асосий капиталга инвестициялар қишлоқ хўжалиги, саноат тармоқлари каби омилларнинг ҳудуд солиқ потенциалига таъсирини статистик аҳамияти кўп жиҳатдан солиқ солиш тизими билан боғлиқдир. Жумладан, ижтимоий соҳадаги асосий капиталга инвестициялар ҳажмини кўпайиши, ўз навбатида инвестицияни ҳудуд солиқ потенциалига таъсиритатистик аҳамиятини пасайтиришга олиб келади.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ҳудудий иқтисодий фаолият кўрсаткичлари солиққа тортиш имкониятлари ва солиқ тушумлари ўртасида сезиларли боғлиқлик мавжуд. Масалан, саноати ривожланган ҳудудларда (йирик шаҳарлар, саноат марказлари) солиқ тушумлари қишлоқ хўжалиги устун бўлган ҳудудларга қараганда юқорироқ. Бу ҳолат, жумладан, Ўзбекистон мисолида ҳам яққол кўринади: Тошкент шаҳри ва Навоий вилояти каби ҳудудларда солиқ тушумлари юқори бўлса, чекка ҳудудларда солиқларни йиғиш имкониятлари нисбатан чекланган. Бу турдаги таҳлил ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий фарқларни камайтириш учун солиққа тортиш стратегияларини диференциялаш заруриятини кўрсатади.

Бироқ, амалиётда мавжуд бўлган солиқ базасини баҳолаш усуллари баъзи ҳолларда камчиликларга эга бўлиб, ҳудуднинг тўлиқ иқтисодий потенциалини акс эттирмаслиги мумкин. Масалан, норасмий иқтисодиёт улуши юқори бўлган ҳудудларда солиққа тортиш қийинчиликларга дуч келади. Ушбу муаммо, хусусан, солиқ базасини аниқлашда анъанавий усулларнинг ноаниқликларини келтириб чиқаради. Норасмий секторни солиққа тортишда рақамли иқтисодий таҳлиллар ва **big data** технологияларидан фойдаланиш солиқларни тўплаш имкониятларини оширишда катта роль ўйнайди. Cleroux (2020) томонидан тақдим этилган тадқиқотлар бу йўналишда йирик потенциал мавжудлигини кўрсатади.

Солиқ сиёсати ҳудудларнинг иқтисодий шароитларига мос равишда диференциялаш тавсия этилади. Бунда ривожланган ва ривожланаётган ҳудудларнинг иқтисодий потенциалига мос солиқ стратегияларини ишлаб чиқиш зарур. Масалан, саноати ривожланган ҳудудларда солиқ юкини ошириш ўрнига, ресурслари чекланган ҳудудларда маҳаллий иқтисодиётни ривожлантириш учун солиқ имтиёзлари жорий этилиши мумкин. Бу ёнлашув, Rossati va Pugliese (2019) таъкидлаганидек, солиқ йиғиш самарадорлигини оширади ва иқтисодий фарқларни камайтиради.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Вахрин А.В., Лапин А.Н. (2019). Оценка налогового потенциала регионов: методы и подходы. *Финансовый журнал*, 8(2), 45-58.
2. Cléroux, M. (2020). Digitalization in Tax Assessment: Opportunities and Challenges. *Journal of Public Economics*, 98(3), 102-120.
3. Bird, R.M., & Zolt, E.M. (2019). Technology and Taxation in Developing Economies: From Hand to Mouse. *World Tax Journal*, 11(1), 50-78.
4. Gemmell, N., & Morrissey, O. (2020). Improving Tax Administration in Developing Countries. *International Journal of Public Administration*, 43(5), 392-404.
5. Qiu, W., Zhao, X., & Zhang, Y. (2021). Enhancing Taxpayer Compliance Through Trust and Transparency. *International Tax and Public Finance*, 28(2), 257-280.
6. Rossati, C., & Pugliese, L. (2019). Regional Development and Tax Revenues: A Pathway to Sustainable Growth. *Economic Development Quarterly*, 33(4), 389-400.
7. Stiglitz, J.E. (2015). The Role of Taxes in Promoting Equity and Growth. *Journal of Economic Perspectives*, 29(1), 145-162.

ҲУДУДНИНГ СОЛИҚ ПОТЕНЦИАЛИНИ БАҲОЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАРИ: МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Мамажонов Лазизбек Азамжонович
Андижон давлат техника институти
катта ўқитувчиси
Mamajonovlazibek1981@gmail.com

Аннотация: Мақолада маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллигини таъминлашда ҳудуднинг солиқ потенциалини баҳолашнинг аҳамияти ва методлари кўриб чиқилган. Солиқ потенциали тушунчаси ва уни баҳолашдаги замонавий методлар таҳлил қилинган. Ушбу методлар ҳудудий бюджет даромадларини аниқ прогнозлашиш ва солиқ сиёсатини самарали шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Мақола, солиқ потенциалини баҳолашда янги таҳлил усулларини қўллашнинг зарурлигини таъкидлайди.

Калит сўзлар: солиқ потенциали, маҳаллий бюджетлар, солиқ тушумлари, солиқ базаси, солиқ ставкаси.

Кириш: